

ИНСОН ҚАДРИ - АСОСИЙ ТАМОЙИЛ

**Фарида Умарова, Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети доценти**

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда инсон қадр-қимматининг улуғланиши, таълим жараёнига шахсга йўналтирилган ёндашувни жорий этиш ва уни жадаллаштириш масалалари ёритилган. Муаллиф Ўзбекистоннинг янги таҳирдаги Конституциясининг қабул қилиниши ва ундаги асосий ғояларга ўз муносабатини билдиради.

Калит сўзлар: Конституция, инсон қадри, шахсга йўналтирилган таълим, профессионаллик, таълим сифати, касбий маҳорат.

Учинчи Ренессансга дадил қадам босаётган Янги Ўзбекистонда инсон қадр-қимматини таъминлаш устувор тамойил қилиб белгиланди. “Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз”, - дейди давлатимиз раҳбари [1]. Мазкур фикрлар тўлалигича Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топган.

Мустақилликка эришганимиздан буён ҳалқимиз босиб ўтган йўлга назар солар эканмиз, ўтган даврда мамлакатимизда асрга татигулик ўзгаришлар содир бўлганлигини таъкидлаш зарур. Ўзбекистон дунёга бутунлай янгича қиёфада юз тутди. Илгариги аграр, хомашё базаси ҳисобланган юртдан том маънода мустақил, илдам қадамлар билан ҳар соҳада ривожланиб бораётган метрополия давлатга айланди. Давлат билан биргаликда ҳалқ ҳам ўзгарди. Одамларимиз ўз ҳақ-хуқуқини, ўзлигини англай бошлади.

Ўзбекистон Конституциясининг мазмунини ўргансак [2], унда акс этган ғояларнинг кўпи Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мос келишини кўрамиз. Бу икки ҳужжатнинг декабрь ойида икки кун фарқ билан қабул қилингани ҳам рамзий маънога эгадек гўё. БМТ ташаббуси билан 1948 йилда эълон қилинган мазкур декларация барча миллат ва элатларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилувчи асосий ҳалқаро кафолатdir. Унда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари баён қилинган. Шу билан бирга, 29-моддада қайд этилган қўйидаги сўзлар орқали кишиларнинг ҳуқуқлари билан бирга мажбуриятлари ҳам борлиги таъкидланади: “Ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин” [3].

Бўлғуси офицерларни тайёрлашда айни хуқуқ ва мажбурият, бурч тушунчаларини тўғри англашларига алоҳида эътибор қаратилади. Зоро, инсонларнинг тинчлиги, фаровонлиги ҳимоясида турадиган бу касб эгалари ўзгаларнинг манфаати, хотиржамлигини барча нарсалардан устун қўя билиши лозим. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида курсантлар билан турли тадбирлар, викториналар, маҳорат дарслари ўтказилади, машғулотларга етакчи амалиётчилар таклиф этилади.

Жумладан, “Конституцияни биласизми?”, “Йўл қоидаси - умр фойдаси” мавзуларида викториналар, блиц-сўровлар, “Дунё олимлари дунёда тинчлик учун” мавзусида маънавий-маърифий тадбирлар курсантларнинг билимини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, маънавий етук қилиб тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Бизнинг университетимизда таълим жараёнига шахсга йўналтирилган ёндашув тўлиқ жорий қилинган. Ўқитувчилар дарс режасини тузганда курсант ва талабаларнинг билим даражаси, қобилиятлари, қизиқишлигини инобатга оладилар, соддадан мураккабга, танишдан нотанишга, машқ ва топшириқларнинг амалий йўналганлиги тамойилларига асосланадилар. Аудиториялар замонавий компьютер техникаси, интерфаол доскалар, зарур ўкув адабиётлари билан жихозланган, рақамли технологиялар асосида ташкилд этилган ахборот-ресурс маркази Интернет билан таъминланган, ўкув залларида талаба ва курсантларнинг билим олиши, ўз устида ишлаши учун барча шароитлар яратилган.

Жорий йилнинг 30 апрель куни давлат ва жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа содир бўлди – янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Референдумда овоз бериш орқали қабул қилинди. Янги таҳрирдаги Конституция 65 фоизга янгиланди, моддалар сони 155 тага етди, инсон манбаатларини ҳимоя қилувчи ва инсон қадрини улуғловчи халқаро нормалар киритилди. Конституциянинг ҳар бир моддаси инсон манбаатлари нуқти назаридан қайта кўриб чиқилди, қўшимча ва ўзгартиришлар билан тўлдирилди.

Президент Ш.Мирзиёев томонидан Конституция куни муносабати билан Ўзбекистон халқига йўлланган байрам табригида инсон манбаатларини, қадр-қиммати ва шаънини ҳимоя қилиш йўлидаги ишларни жадал давом эттирилиши ҳақида шундай дейилади: “Биз инсон қадр-қиммати ва манбаатларини таъминлаш бўйича бошлаган ислоҳотларимизни янги конституциявий маконда янада қатъий давом эттирамиз. Халқимизнинг хоҳиш-иродасига биноан Асосий қонунимизда ўз аксини топган тамойилларни тўлиқ рӯёбга чиқаришимиз ва ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантиришимиз лозим” [4].

Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, “юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми охирги 6 йилда 1,5 мартадан ортиқ, тадбиркорлар сони 2 баробар ва саноатдаги ўсиш 40 фоиздан зиёд ошгани буни яққол тасдиқлайди.

Шунингдек, жорий йилда ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар 134 триллион сўмни ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 5,6 баробар кўпайди.

Кенг қўламли ва тизимли ислоҳотларимиз натижалари халқаро майдонда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Коррупцияга муросасиз муносабат бўйича халқаро индексда 32 поғонага, Матбуот эркинлиги индексида 28 поғонага, Хуқуқ устуворлиги индексида 13 поғонага кўтарилди” [4].

Инсон манфаатлари, инсон қадрини таъминлашда бўлгуси ҳарбий хизматчиларнинг ҳам ўз улуши бор. Уларни фидойи, ватанпарвар, масъулиятли қилиб тарбиялаш мақсадида турли тадбирлар, қўрик-танловлар ўтказилади, машғулотларда ақлни чархловчи, фикрлашни, дунёқарашни кенгайтирадиган савол ва топшириклар берилади. Жумладан, янгиланган Конституцияни ўрганишга бағишлиланган викторинада барча фаол қатнашди, ўз билимдонлигини намойиш қилишга ошиқди. Шу билан бирга, давра суҳбати давомида курсантлар дунёдаги энг қадимий конституция қайси давлатга тегишли эканлигини, кодификацияланмаган конституция нималигини, қайси давлатлар конституцияга эга эмаслигини, дунё конституциялари ҳақида яна қўплаб маълумотларни билиб олдилар. Инсон хуқуqlари умумжаҳон декларациясининг барча 30 та моддаси Ўзбекистон Конституциясида ўз аксини топганлигини қиёслаш орқали ўргандилар. Тадбир давомида қатнашчилар ушбу икки хужжат мисолида умумбашарий ғояларнинг муштараклиги, инсон қадри барча нарсадан устун эканлиги ҳақида хулоса чиқардилар.

Бу каби тадбирлар курсантларнинг ватанпарвар, фидойи инсон бўлиб етишишларида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Янги Ўзбекистон юксак марраларга эришиши учун юртга фидойилар керак.

*Кўнгилда пок ният бўлса, нур булоғи,
Чўп минсангиз — Гўрўёлининг аргумоги.
Озод ўлка қалқонлари, қоши-қароги,
Фидойилар керак бизга, фидойилар.*

Муҳаммад Юсуф

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёев: Ҳамма ислоҳотларни, ҳамма ҳаракатларни жамият билан бирга қиласиз. Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши. 2022 йил 26 январь. <https://president.uz/uz/lists/view/4942>

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил 30 апрель.
<https://constitution.uz/uz>
3. Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси. 1948 йил 10 декабрь.
<https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
4. Ўзбекистон халқига байрам табриги. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституция куни муносабати билан байрам табриги. 7 декабрь 2023 йил.
<https://yuz.uz/news/ozbekiston-xalqiga-bayramtabrigi>
5. Умарова Ф. З. Готовность педагога к личностно-ориентированному образовательному процессу в школе //Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2010. – Т. 8. – С. 385-387.
6. Умарова, Ф. (2023). РЕАЛИЗАЦИЯ ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ПОДХОДА ПРИ ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КУРСАНТОВ ВОЕННЫХ ВУЗОВ. Innovative Development in Educational Activities, 2(19), 272–280.